

Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (8-қисм)



15:17 / 02.06.2018 2942

Тўртинчи сабаб: ёмон уламоларга эргашиш ва унинг муолажаси.

Кўпинча ғийбат билан машғул бўладиган уламоларга эргашиш ҳам ғийбат қилишга сабаб бўлади. Чунки одамлар уламоларнинг ҳеч уялмай ғийбат ва шикоят қилаётганини кўришса, улар ҳам ғийбат мажлисига қўрқмасдан иштирок этадиган бўлиб қоладилар. Биров уларга ғийбат қилмагин деса, жавобига: «Фалончи олим ёки фалончи улуғ киши бундай одамларни қўрқмай зикр қиляпти-ку, биз нима учун қўрқайлик? Бу иш нотўғри бўлганда улар бу ишни қилмас эди», дейдилар.

Биринчи муолажа. Ғийбат ва шикоятдан тавба қилиб тийилмаётган киши ҳақиқатда олим эмас. Китоб ўқишнинг ўзи билан одамга илм келиб қолмайди. Олим ўз илмига мувофиқ амал қилиш билангина улуғ ва олийжаноб бўлиши мумкин. Чунончи, Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

Илм чандонки бештар хоний,

Чун амал дар ту нест нодоний.

На муҳаққиқ бувад, на донишманд,

Чорпойи бару китоби чанд.

Назмий маъноси:

Илмни ўқисанг неча чандон сан,

Гар сенда амал йўқ, ўша нодонсан.

Кўп китоб юклаган билан бир ҳайвон

На муҳаққиқ бўлур ва на билимдон.

Насрий баёни: *Илмни ҳар қанча кўп ўқиганинг билан сенда амал бўлмаса, нодонсан. Тўрт оёқли ҳайвоннинг устига бир неча китоб юклаб қўйилгани билан у муҳаққиқ ҳам, донишманд ҳам бўлиб қолмайди.*

Суфён ибн Уяйна раҳимаҳуллоҳ айтади: «Илмига амал қилган одам олим, илмига амал қилмаган киши эса жоҳилдир».

Бировларни ғийбат қилаётган кишини кўрган одам (у ким бўлишидан қатъи назар) уни жоҳил деб билсин, унга эргашмасин. Чунки мўминларга озор берувчи олим асали йўқ асаларига ўхшайди. Унга Саъдийнинг мана бу гапини айтиб, насиҳат қилинг:

Боре чу асал намедехи ниш мазан.

Маъноси: *Асал бера олмасанг, ҳеч бўлмаса ниш урмагин.*

Иккинчи муолажа. Қайси олим илмига амал қилмай, ҳамиша одамларни ғийбат қилса, қиёмат кунда Аллоҳ таолонинг итобига қолади. Унга ниҳоятда қаттиқ азоблар бўлади. Чунончи, амалсиз олим ҳақида жуда кўп оят-ҳадислар келган.

Ривоят. Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтадилар: «Билмаган одамга бир марта вайл, била туриб амал қилмаган одамга етти марта вайл бўлади».

Ҳикоя. Бир киши Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳга: «Бизнинг фақиҳларимиз мана бундай дейдилар», деди. Ҳасан Басрий айтдилар: «Сен ўзи бирор фақиҳни кўрганмисан? Фақиҳ дунёда зоҳид, охиратга рағбат қилувчи,

дини́ни чуқур билувчи, Роббига бардавом ибодат қилувчи кишидир».

Ҳадис. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Қиёмат куни одамларнинг энг қаттиқ азоблиси илми ўзига фойда бермаган кишидир**».

Насиҳат. Ийсо алайҳиссалом айтдилар: «Илм ўрганиб, унга амал қилмайдиган одамнинг мисоли яширинча қилган зиноси оқибатида ҳомиладор бўлиб, ҳомиладорлиги ошкор бўлиб қолгач, шарманда бўлган аёлга ўхшайди». Худди шу каби, амалсиз олим ҳам кўринишда, одамлар назарида тақводор бўлиб кўрингани билан ичи нопок бўлгани учун ҳақиқий олим саналмайди. Қиёмат куни унинг яширинча қилган ёмон ишлари очилиб, шарманда бўлиши мумкин.

Ҳадис. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Одамларга яхшиликни ўргатиб, ўзини эсдан чиқариб қўядиган кишининг мисоли одамларга ёруғлик бериб, ўзини ёқиб юборадиган пиликка ўхшайди**».

Насиҳат. Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Парҳез қилмайдиган тақвосиз олимнинг мисоли қўлида машъала кўтариб олган кўр одамга ўхшайди. Бошқалар у орқали тўғри йўл топади, лекин ўзи йўл тополмайди».

Бефойда ҳар ки умр дарбохт,

Чизе нахариду зар бияндохт.

Назмий маъноси:

Умрини бефойда ҳар ким сарф этди,

Ҳеч не сотиб олмай, олтин харж этди.

Насрий баёни: *Фойдасиз ишларга умрни сарфлаган киши гўёки бирор нарса сотиб олмай, олтинларни сочиб юборгандек бўлади.*

Хуллас, феъли ёмон, амалсиз олим ҳақида оғир гаплар келган. Шунинг учун инсон ғийбатга мубтало бўлган олимни кўрса, унга эргашмаслиги

керак. Акс ҳолда у ҳам ўша олим олган жазога гирифтор бўлиб қолади.

Учинчи муолажа. Амалсиз олимни кўрсангиз, унинг феълларига эътибор қилманг, балки унинг насиҳатларига, гап-сўзларига қаранг. Агар ўша ғийбатчи олимдан ғийбат ҳақида сўрашса, унинг ўзи ҳам ғийбатни қатъий ҳаром дейди. Сиз унинг гапига қулоқ солинг, қилаётган иши билан эса ишингиз бўлмасин. Али розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Айтган гапига қара, айтган кишига қарама», яъни бирор киши сенга насиҳат қилса, насиҳат қилувчининг феълига қарама, балки унинг сўзига қарагин-да, унга кўра амал қилавер.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов